

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган


Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 48 (9.087)

1998 йил

27 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда




Хабарингиз борми?

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА



«Тошкент» аэропортида халқаро йўналишларда катновчи йўловчилар учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган, йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган кутиш зали фойдаланишга топширилди.



Мавжуд эски бино «Бритиш аэро спейс» фирмаси томонидан қайта таъмирланиб, тула жиҳозланди. Қурилиш ишларини таниқли халқаро «Торсвик» компанияси бунёдкорлари амалга оширди. Бу компания курувчилари зиммаларидаги вазифани белгиланган муддатидан анча илгари — 7 ой ичида тула адо этдилар.

Бир неча йил давомида — дейди компания директори Милорад Дублевич. — Ўзбекистондаги жуда кўп қурилишларда иштирок этиб, етарли тажриба орттирганимиз бизга кўл келди. Мутахассисларимиз Темурийлар даври тарихи Давлат музейи, Марказий банк биноси қурилишларида фаол иштирок этишган.

«Тошкент» аэропорти кутиш зали биносининг қайта тикланиши Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳамда авиакомпаниянинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 3,5 миллион долларни ташкил этди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда йўловчилар бу ердаги шимамлик ва тозаликдан, уларга кўрсатиладиган хизматдан мамнун бўлишлари турган гап. Бу залда йўловчилар учун зарур бўлган барча хизмат турларини қисқа муддатларда амалга ошириш учун чет элдан келтирилган механик ускуна ва жиҳозлар ўрнатилган. Улар йўловчиларнинг вақтини ҳам тежайди.

Ўз яқинларини кутиб олувчилар учун ҳам шарт-шароитлар муҳайё. Улар бу ерга ўрнатилган юмшоқ ўриндиқларда дам олиб, залдаги телевизор таблоларида йўналишларнинг учуш ва кўниш вақтларини билиб олиш имкониятига эга бўлишлар.

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: кутиш залига ўрнатилган замонавий жиҳозлар; биносининг ташқи кўриниши.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Россия Федерациясида Президент Борис Ельциннинг кутилмаганда Виктор Черномырдин бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқариши билан боғлиқ танглик ўтган жума кўни интихосини топди. Мамлакат парламентининг кўйи палатаси давлат раҳбарининг ҳукумат раислигига номзоди Сергей Кириенкони лавозимида тасдиқлади.

Борис Ельцин қатъият билан «менинг бошқа номзодим йўқ» деб учинчи мартаба ҳам 35 ёшлик Сергей Кириенкони Давлат думасига тақдим этган эди. Парламент кўйи палатасида ҳал қилувчи овоз бериш арасида Давлат думасида нисбатан кўпчилик (450 тадан 135 та) овозга эга коммунистлар фракцияси депутатлари ўз партияларининг пленумларида Президент номзодини бойкот қилиш, яъни яширин овоз бериш учун умуман бюллетенларни олмаслик тўғрисида кўрсатма олганларига қарамасдан Сергей Кириенко ҳукумат раиси этиб тасдиқланди. Президент номзодини лавозимида тасдиқлаш яширин овоз бериш (коммунистлар ўз фракциялари депутатлари партия пленуми қарорига қандай риоя этилишини назорат қилиш учун Давлат думасида иккинчи турдаги каби очик овоз бериш тўғрисидаги таклиф ўтмай қолди) йўли билан ўтказилган бўлса-да, кузатувчилар фикрича камида 20-25 коммунист депутат Сергей Кириенкони ёқлаб чиқди. Парламент кўйи палатасида нисбатан кўпчиликка эга коммунистлар фракциясидан спикер этиб сайланган Геннадий Селезнёв Президент билан ушбу овоз бериш арафа-

сида иккинчи бор учрашганидан сўнг унга Сергей Кириенко номзодидан кўра Давлат думасининг тақдирини юз баробар муҳим, деб очик баёнот берганидан сў-

цин нима учун Сергей Кириенко номзодини бу қадар қатъийлик билан қўллаб-қувватлади, мамлакатни нафақат ҳукумат, балки парламент танглик йўлига келтириб қўйди, деган савол турғилиши табиий. Президент ўзининг бир неча расмий баёнотларида «ҳукумат (яъни биринчи навбатда ҳукумат раиси) сиёсат билан эмас, балки иқтисодиёт билан шуғулланиши керак», деб таъкидлади. Бирор партия ёки ҳаракат билан боғлиқ бўлмаган Сергей

сайишидан иборат тангликдан қандай чиқмоқчи?

Унинг ҳали лавозимига тасдиқланмасдан Москвада чиқадиган «Независимая газета» берган интервьюсида ҳукумат раисидан амалда аниқ дастур ҳар ҳолда ҳозирча йўқлиги очик-равшан сезилиб турибди. Сергей Кириенко энди тузадиган ҳукуматини «мажбурият йўқ ҳукумат», деб атади. Бу ҳукумат фақат «Президент олдида мажбуриятга эга экан». Сергей Кириенко янги ҳукумат 1998 йилда «пенсиялар ва иш ҳақи тўлашишни таъминласа, шахтерлар муаммосини ҳал этса катта гап, бошқа нарсага қурбимиз етмайди», деб тан олди. Бу гапининг исботи сифатида ҳукумат раиси номзоди Давлат думасида тасдиқланганидан сўнг икки соат Президент билан мулоқотда бўлганидан кейин тўғри қончиларнинг фавқуллода қурултойига йўл олди. Нафақат ҳукумат, балки Президент истеъфосини талаб қилмаётган шахтёрларни «алкогол ичимликларни сотишдан тўхташ» қўшимча маблағ ҳисобига улар муаммосини ҳал этишга қўмақлашиш» ваъдаси билан тинчитилган бўлди.

Энди у икки ҳафта ичида ҳукумат таркибини Президент тасдиқлашга тақдим этиши керак. Шундай қилиб, Россия ҳукуматининг янги раиси лавозимида тасдиқланди. Бироқ ҳукумат танглиги, аниқроғи, иқтисодий тангликнинг бартафат этилганлиги тўғрисида ҳали гапиришга эртароқдек ўхшайди.

Эркин МАДИЕВОВ.

«МАЖБУРИЯТИ ЙЎҚ ҲУКУМАТ»

Кириенко худди шунинг учун Президентга маълум тушди. Бунинг устига у такрор ва такрор Президент чизигидан чиқмаслигини таъкидлаб турибди. Собиқ ҳукумат мамлакатни қай аҳволга олиб келиб қўйгани ҳақидаги аввалги шарҳимизда тўхталган эдик (қаранг: «Тошкент оқшоми», 1998 йил 13 апрель, «Анчик ҳақиқат»). Бунинг устига собиқ ҳукумат раиси Виктор Черномырдин сўнгги вақтда 2000 йилда бўладиган Президент сайлови компаниясини бошлаб юборгани ҳам Борис Ельцинга ёқмади.

Ҳўш, янги ҳукумат раиси Сергей Кириенко мамлакатнинг ички ва ташқи қарзлари исканжаласидан, йил бошида ваъда қилинган «иқтисодий ўсиш» ўрнига ҳали таҳликали тарзда давом этаётган ишлаб чиқаришнинг па-

БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ ОҚЛАНДИ

Республикамиз Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган, тахририятимизга миннатдорчилик мазмундаги кўнгироклар бўлмақда, дил сўзлари битилган мактублар келиб турибди. Қуйида уларнинг айримларини эълон қилмоқдамиз.

Хожиқабар БАХТИЕВОВ,
Республика «Маҳалла»
хайрия
жамғармасининг
Тошкент шаҳар бўлими
бошқаруви раиси:

— Тан олиш керакки, бугунги кунда, хусусан янгиланиш даврида, янгича шароитларда, одамларимиз ҳаётда ҳам ижтимоий, ҳам маънавий ўзгаришлар кечаётган дамларда маҳаллага раҳбарлик қилиш осон иш эмас. Айниқса, маҳаллада тартиб-интизомни сақлаш, покизаликка риоя этиш, армия ёшидаги ўсмирларни хизматга қақиришга қўмақлашиш, суғурта, солиқ каби турли тўловларни назорат қилиш ва ҳоказолар. Бу юмушлар маҳалла оқсоқолидан озмунча ташкилотчилик, ғайрат талаб этакими? Шунинг учун биз ҳам шу кунларда маҳалла оқсоқоллари фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган янги бир ҳужжат кутаётган эдик. Шунга кўра кўни кеча эълон қилинган республикамиз Президентининг Фармони барчанинг кўнгилдагини толган ҳужжат бўлди.

Яна шунини айтишим лозимки, бугунги кунда шаҳримиздаги маҳаллаларнинг барчасида ҳам ишлаш учун етарли шарт-шароитлар талаб даражасида эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда Фармондаги «Маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериб, уларнинг асосий фаолиятини аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминлашга, маданий ҳужалик, маданий-маърифий масалаларни ҳал қилишга йўнал-

тирсинлар» жумласи юқориди айтилган муаммоларни ҳал этади деб ўйлайман.

Мажид МАЪЗУМОВ,
Чилонзор туманидаги
1-Катта Чилонзор
маҳалласи оқсоқоли:
— Президентимиз Фармонини қалбим тула ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Ўйлаб қаралса, деярли ҳар йили ҳукуматимиз маҳаллалар фаолиятини жонлантиришга оид бирор ҳужжат эълон қилмади. Бу ҳол фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

органи ишига бўлган эътибор тобора юксалиб бораётганига далолатдир. Маҳалла оқсоқоллари ва котибларининг маошини ошириш ҳам шулар жумласидандир.

Фармонда жамоат ташкилотларининг иш фаолиятлари маҳаллалар билан узвий боғланган ҳолда олиб боришини алоҳида таъкидлангани айни мuddо бўлибди. Бу ҳол жамоат ташкилотлари фаолиятини энгиллаштириш билан бирга маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеи қанчалар юксак эканлигини яна бир бор кўрсатади. Ўйлайманки, шаҳримиздаги барча маҳаллаларнинг оқсоқол ва котиблари йўлбошчимизнинг уларга билдирган ишончини оқлашди.

Мажид РАИМОВ
ёзиб олди.

АНЖУМАНЛАР

МАТБУОТНИНГ МУҲИМ МАВЗУСИ

БУГУН

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ички кўшинлар бошқармаси томонидан ташкил этилган «Оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги семинар-кенгаш иш бошлади. Унда матбуотда ҳамда телевидениеда ва радиода ҳарбий-ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши ва бу ишни такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама этилади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ички кўшинлар аскарларининг намунали қиши ҳамда Ички кўшинлар бошқармасининг «Турон юлдузлари» бадиий гуруҳи концертини ҳам томоша қилдилар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Президент Ислам Каримов 24 апрель куни Япония ташқи савдо ташкилоти раиси Торо Тоёшимани қабул қилди.

• Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишланган Ўзбекистон-Япония семинари бўлиб ўтди.

• Сув ва қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Сув ва қишлоқ ҳўжалиги вазири Исмоил Жўрабеков экиш мавсуми, чигитни плёнка остига экишнинг боришига бағишланган сим орқали кенгаш ўтказди.

• Тошкентда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳисобот-сйллов анжумани бўлиб ўтди. «Маҳалла» жамғармаси бошқармасининг янги раиси этиб Тошкент шаҳар ҳўкимини ўринбосари лавозимида ишлаб келган Шўхрат Жалилов сайланди.

• Пойтахтда «Ўзбек ипаги» ассоциациясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

• Гулистонда бўлиб ўтган соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатининг сайёр йиғилишида Сирдарё вилоятида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳоли ва тиббиёт соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш вазифалари муҳокама этилди.

• Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институтига мўъжаз bosмахона совға қилди.

ЖАҲОНДА

• Япония иқтисодий ташкилотлари федерацияси директорлар кенгаши мажлисида Ўзбекистонга ташриф билан борадиган япон компаниялари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Тойота мотор корпорейшн», «Мицубиси», «Сумитомо корпорейшн», «Мицубиси корпорейшн», «Мирубени корпорейшн», «Итач корпорейшн», «Сакура банк» каби жаҳонда машҳур компаниялар раҳбарлари қатнашдилар.

• Москвада бўлиб ўтган «Бизнинг уйимиз — Россия» (НДР) ҳаракатининг қурултойида собиқ Бош вазир Виктор Черномырдин 2000 йилда бўладиган президент сайловларига ушбу ҳаракатдан номзод қилиб кўрсатилди.

• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш бўйича Арманистоннинг янги Президенти Роберт Кочарян билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлиги тўғрисида баёнот берди.

• Бир ярим йиллик келишимовчиликлардан сўнг Молдованинг ҳозирги президенти Петру Лучинский собиқ президент Мирче Снегур билан учрашиб, мамлакатда тотувлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш юзасидан фикр айирбошлади. Улар келгусида ҳам мунтазам равишда ана шундай ўзаро учрашиб туришга келишиб олдилар.

• Бугун Ереванда иш бошлаган Ҳамдўстлик мамлакатлари махсус маҳкамалари раҳбарларининг икки кунлик учрашувида гиёвандлик, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда кураш олиб бориш масалалари муҳокама этилмоқда.

• Бугун Варшавада Польша ва Литва ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси иш бошлади.

• Сўнгги кунларда Жазоир хавфсизлик қучлари жангариларга қарши ўтказган операциялар давомида камида 125 террорчи қириб ташланди.

• Бугун Ялтада МДХ ва Болтикбўйи давлатларининг банкларо анжумани иш бошлади.

• Сўнгги йигирма йил мобайнида биринчи бор Канада Бош вазири Ж. Кретьен расмий ташриф билан Кубага келди.

• Тожикистонда янги чет эл паспортлари жорий этила бошланди.

• Кеча Красноярск ўлкасида губернатор сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра 8 номзод орасида Россия Хавфсизлик кенгашининг собиқ котиби генерал Александр Лебедь сайловда қатнашганларнинг 45 фоиз овозини олган. Ҳозирги губернатор Валерий Зубовни сайловчиларнинг тахминан 35 фоизи ёқлаб чиққан. Улар энди сайловнинг иккинчи турида губернатор лавозими учун кураш олиб борадилар.

• Чехия Президенти Вацлав Гавел сўнгги икки ҳафта давомида биринчи бор тўшқандан турди. У кейинги ярим ой давомида Австриянинг Инсбрук шаҳрида бир неча бор жуда мураккаб операцияларни бошидан кечирди.

• Кеча Испанияда жала пайтида йўловчи автобуси қояга урилиб ағнаб кетиши оқибатида ундаги 46 нафар йўловчидан 10 таси ҳалок бўлди.

• Индонезияда Денге терламаси номини олган офат ҳозирнинг ўзида 400 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОНИ ФАРМОГИ АБОНЕНТЛАРИ ДИКТАТИГА!
Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш муносабати билан Юнусобод даҳаси, 2-маъзадаги 1, 2, 3, 4, 5, 9, 10, 11, 21, 32, 33-уйларда истиқомат қилувчи 21/24-АТС абонентларида
1998 йилининг 27 апрелидан 11 майгача алоқа бўлмади.
Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i!» хиссадорлик жамияти.

Республикамизда ўз фаолиятини бошлаган «Аёл ва жамият» институти бош директори Наталья Муравьева билан бўлган суҳбатимиз хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва институти фаолияти хусусида бўлди.

— Институтибиз 1997 йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси рўйхатидан ўтказилган бўлиб, икки бўлимдан: тадқиқотчилик ҳамда сиёсий таълим бўлимларидан иборатдир. Институт аёлларга тааллуқли муносабатларни ўрганиш, айнан шу муносабатлар орқали аёлларни иқтисодий, сиёсий, маиший, маданий, таълимий ва бошқа соҳалардаги аҳолини тадқиқ қилиш; хотин-қизларнинг сиёсий оғиллик даражасини юксалтириш; ишбилармон аёлнинг юқори мақоми ва имкониятини шакллантириш каби мақсадларда ташкил этилди.

шидаги жараёнларни ўрганиш, ўзгарувчан шарт-шароитларда хотин-қизларнинг иқтисодий аҳоли, Марказий Осиё минтақасида юз бераётган сиёсий ҳодисаларга хотин-қизлар ҳаракати таъсири, аёллар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, кишлоқ хотин-қизла-

вомида тўртта доимий-амалий семинар ўтказилади. Худди шу давр мобайнида институтибиз «Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар ҳуқуқлари ва амалий иштироки нисбати» ҳамда «Ўтиш даврида аёл ва дин» мавзулари бўйича конференциялар, шунингдек, давра суҳ-


иштирокида семинар ўтказилди. Бунда Германия, Франция каби давлатларнинг вакиллари қатнашишди.

Институт томонидан меҳнат, таълим борасида аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги илгари сурилаётганлигини сабаблари нимада?

— Ҳа, қасб эгаллаш, меҳнат қилиш йўналишларидаги аёлларнинг тенглиги барча соҳаларда тенгҳуқуқлик амалга оширилиши учун имкониятлар яратди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги салмоми 80-90 фоизга етди.

Бозор иқтисодиётига хос янги механизмларнинг вужудга келиши, иқтисодиётдаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ маълум даражада ишсизлик пайдо бўлиши, аҳоли даромадларининг табақаланиши каби ҳолатлар ҳам рўй бермоқда. Бинобарин, аёллар учун таълим олиш, малака ошириш борасида муайян қийинчиликлар юзага келаётди. Шу босидан институтибиз мавжуд аҳолини жиддий таҳлил қилиш, етакчи тамойилларни ҳисобга олган ҳолда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир тадбирлар ишлаб чиқишни асосий вазифа сифатида белгилamoқда. Зеро, жамият ҳаётида аёллар қанчалик фаол иштирок этса, ривожланиш ҳам шунчалик тўлақонли бўлади.

Маймура РҶЗИЕВА суҳбатлашди.



Махжунтолнинг шохлари асли Менинг қаро сочларим эди.

Рашид Галиев олган сурат.

«АЁЛ ВА ЖАМИЯТ» ИНСТИТУТИ: РЕЖАДАН — АМАЛИЁТГА

Бизнинг суҳбат

нинг ижтимоий мавқеи ва шунга ўхшаш бир қатор масалаларни таҳлил қилиш.

2000 йилга қадар институтибиз аёлларнинг билим даражаси, касбий тайёргарлиги ва меҳнатда бандлиги, хотин-қизларга нисбатан муносабатлар каби жиҳатларга доир муаммоларни жиддий тадқиқ этишни режалаштирган.

Сиёсий таълим бўлими томонидан амалга ошириладиган ишлар қай тарзда олиб борилади?

— Мазкур бўлим асосан аёллар ўртасида маърифий-таълимий ишларни олиб боради. Уларни сиёсий ҳамда парламент фаолиятига тайёрлаш, хотин-қизларга хизмат поғоналаридан юқорироқ даражаларга кўтарилишида ёрдамлашиш, турли тадбирлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, 1998-2000 йиллар да-

батлари ўтказишни ҳам режалаштирмоқда.

Шу кунга қадар институт қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорликда семинарлар ўтказишга улгурди. Шулар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Дастлабки анжуманларимизнинг бири «Демократик жамиятда аёллар сиёсий етакчилиги стратегияси» мавзусидаги семинарни Чирчиқ шаҳрида ўтказдик. Март ойида эса қозок ишбилармон аёллар уюшмаси билан ҳамкорликда «Шахслараро муваффақиятли муносабат тамойиллари» деб номланган семинар Сариевчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Нихоят, яқинда Конрад Аденауэр фонди билан биргаликда «Хотин-қизларнинг замонавий маҳалладаги роли» мавзуси бўйича хорижий мутахассислар

Пойтахтимизнинг Юнусобод маҳалласида бир оила истикомат қилади. Ахил, инюк, тўла-тўқис хонадонлар ҳақида сўз борса, маҳалладошлар биринчилар катори Зуфаровлар оиласини тилга олиши бежиз эмас. Зеро, оила бошлиғи Абдуҳаким ака умр йўлдоши Махфуза опа билан етти фарзандни тарбиялаб, вояга етказиши қаторида камтарин оилавий ҳаётлари, турмуш тарзлари билан эл-юрт хурматини қозонишди. Биз шу оила бекаси — Махфуза опа Зуфарова билан суҳбатлашдик.

— Махфуза опа, аввало ўзингиз ўсиб-улгайган оила ҳақида гапириб берсангиз. Зеро, инсоннинг шаклланиши энг аввало оила муҳитида юз беради.

— 1933 йили Тошкент шаҳрида туғилганман. Отам — Мирқуб Мирсалямов ошонда беш ошпаз вазифасида ишлаганлар. Онам — Хадича Мир-

1998 — Ойла йилли

ҲАММАСИ — АҲИЛЛИКДА

салимова эса фабрикада тикувчилик қилган. Ойлада 2 фарзанд бўлганми. Ахиллик билан, кишлоқ кўрса ҳавас қиларди тарзда яшар эдик. Афсуски, 1941 йили бошланган уруш оиламизга катта бахтсиз оиламизга катта оғирлик келтирди. Отам кирингли жангларда ҳалок бўлди. Фарзандлар тарбияси эса ёлғиз онамга қолди. Лекин мен ва укам тезда онам ёнига кириб ишлай бошладик. Қийинчиликларни бирга енгиб, баҳамжihatлик билан яшадик. Ёшлиқдан астойдил ишлашга, меҳнатдан қочмасликка ўргандик.

там ва қайнонамнинг ҳиссалари ҳам катта бўлган. Билганимни қувватлаб, билмаганимни ўргатишган. Фарзандларни ёшлиқдан уй-рўзгор ишларига қизиқтириб, меҳнатга ўргатиб ўстирдик. Катталарга ҳурмат, кичikka иззат руҳида тарбияладик. Ненимча, тарбия учун энг яхши восита — шахсий намуна кўрсатиш. Турмуш ўртоғимнинг касби

Ҳаётингизнинг қувончли ва дардли кунлари ҳақида нима дея оласиз?

— Кеча ва кундуз алмашиб тургани каби ҳаётда ҳам шодумон ва гамили кунлар бўлиб туради. Умримда қувончли қайғудан кўра кўпроқ дейишим мумкин. Ота-онамдан ажралган кунлар ҳаётимнинг энг дардли кунларидир. Фарзандли бўлган пайларим, кейинроқ неварали бўлиб, тўйлар қилган кунларим энг бахтиёр дамларимдир. Мухими, ҳаммамиз соғу саломатмиз. Шунинг ўзи катта қувонч ва бахт.

Ҳозирда янги оила кураётганларга қандай тилакларингиз бор?

— Ёшларимиз ҳаётга енгил-елли қарашга ўрганмасликлар зарур. Оиланинг тез бўзилиб кетиши сабабларидан бири шунда. Ору-ҳавас қилиш яхши, лекин тезда ўз-ўзиндан амалга ошиб қолмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Ҳаёт мураккаб эканлигини, бахтсодатга машаққатларни енгиб ўтиш зарурлигини фарзандларга ёшлиқдан ўқитиб бориш ота-оналарнинг бурчидир. Негаки, фарзандларнинг ҳамма истатини муҳайё қилиш уларда ҳаётга енгил-елли қарашни юзага келтиради. Бинобарин, ёшларни бир-бирининг раъйига қарашга, катталарни ҳурматлашга, уйлашга ўргатишга бўлган оилалар мустаҳкамлигига пойдевор яратиш бўлади.

Айни пайтда нималарни оруз қиласиз?

— Орузларим жуда кўп. Аввал, юртимизда тинчлик, фаровонлик бўлсин. Яна бир тилагим неваралар келинлар қўлидан бир пилла чой ичиш, уларнинг фарзандларини ҳам тарбиялашни, бешик тўйларини кўриш. Илоҳи ҳам бир инсонга ували-жували бўлиш, орузлари рўбенини кўриш насиб этаверсин.

Суҳбатдош Дилбар АБДУҚОДИРОВА.

ТОШКЕНТ АЁЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

— Шахнозаҳон, фирмангиз Ўзбекистондаги ягона ҳисобланган корхона. Жамоангиз келин-куёвларнинг эсдалик суратларини тайёрлашдан тортиб, республикамизнинг маърифат ва маданиятини акс эттирувчи турли-туман панно ва картиналарни тайёрлайди. Библишимизча, касбнинг иқтисодчи. Сиз раҳбарлик қилаётган соҳадан узокроқ. Бу сизга мушкул эмасми?

— Аслида мен бу корхонага етакчилик қиламан, деб ўйламагандим. Тўғрисини айтсам, мазкур фирмани очиб турмуш ўртоғим Алишер Шоғуломовнинг орузи эди. (Оллоҳ раҳмат қилсин уларни). Алишер акам «Восток» ҳужжатли фильмлар ишлаш ижодий уюшмасида фаолият юритардилар. Ушбу уюшма билан биргаликда реклама-суратлар ишлаш фирмасини ташкил этиш, унинг келажаги ҳақида кўп гапирардилар. Орузуларни ушадди ҳам. Бироқ бир ойгина фирмани бошқардилар холос. Автомобиль фалокати юз бериб, оламдан кўз юмдилар. Энди менинг зиммамда Алишер акамнинг йўл бошида қолган ишларини давом эттиришдек масъулият юки бор эди. У кишининг оруз-истакларини рўёбга чиқариш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтишни ўз олдimgа мақсад қилиб қўйдим. Мен ёлғиз эмасдим. Алишер акамнинг ҳамкасб дўстларидан, баддий суврат усталари Владимир Ковреин, Виктор Закомалдинлар ҳам бор эди.

Буюртмачиларингиз кимлар? Уларни сизлар излаб топасизми, ёки улар сизларнингми? Қандай муаммолар бор?

— Жаवобни сўнгги саволингиздан бошласам. Албатта иш жараёнининг дастлабкиси қийин бўларкан. Иш бошлаганимизда жамоамизда 6-7 нафар мутахассис бор эди, холос. Мижозларни эса ўзимиз қидирадик. Ишимиз натижалари кўзга кўриниб, элга танилганимизча анчагина муаммоларга дуч келдик. Аллоҳга шукрки, барча қийинчиликлар ортда қолди. Сафимиз ҳам кенгайди. Республикаимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманлари билан ҳамкорликда ишляпмиз. Жамоамизда маҳоратли журналистлар, компьютер усталари, баддий суврат олувчи моҳир киши-

лар фаолият юритишади.

Шу йилнинг март ойида корхонангиз ташкил топганлигининг беш йиллигини нишонладиганлар. Ўтган жараёнда кўзлаган мақсадларингизга эришдингизми?

— Саволингизга ҳеч иккиланмай «ҳа» деб жавоб беришим мумкин. Ёшимиз эндигина беш ёш бўлгани билан архивимиз анча бой ва катта. Республикаимизнинг ҳеч бир байрам, тантаналари, юбилеи ва маросимлари, тарихий саналари билан биргаликда «Ўзэкспомарказ» Республика ташқи ишлар, Мудофаа вазирликлари, Дў-

ЯГОНА «ДИЙДОР»

Реклама фирмасининг ижрочи раҳбари Шахноза Шоғуломова билан мулоқот

стлик жамиятлари кенгашлари каби республикамизнинг кўпгина жойларида кўрғазмалар ҳужжатли сувратлар, шунингдек вилоят, шаҳар ва туманлар марказларидаги турли-туман мазмун ва мақсадларини ўзида мужассамлаштирган панно ва картиналарнинг деярли барчаси бизнинг маҳсулотимиз, десам мулобага эмас. Чунки бундай ташкилот ҳозирча республикамизда ягона холос. «Дийдор» ўз номи билан реклама-аҳборот фирмасидир. Чунки ҳар бир ишланган суврат бирор воқеликдан сўзлайди, дарак беради.

Библишимизча, чет мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлигингиз бор?..

— Шуни фахр билан айтишим мумкинки, Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида, Швейцариянинг Давос шаҳрида Савдо ўйида, Америка, Исроил каби бир қанча мамлакатларда биз ишлаган сувратлар бор. Шу йилнинг февраль ойида Киевда Президентимиз Исроил Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик ва таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу тарихий

анжуманда мен ва баддий суврат устаси Виктор Ковреинга иштирок этиш насиб этди. Анжуман даврида В.Ковреиннинг сувратлар кўрғазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар сувратлар орқали Ўзбекистоннинг жаннатмакон жойлари, миллий анъаналари, урф-одатлари, маданияти, маърифати, ижтимоий фаолияти, тарихий обидалари, осори-атикаларини мириқиб томоша қилдилар.

Ундан ташқари Ватанимизда илк бор хорижий давлатлар фото-кўрғазмалари ўтказилди. Бу ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, америкалик Рей Мьюс, исроиллик Алекс Левин ва словакиялик икки нафар моҳир сувратчи Ладислав Стругар ҳамда Йозеф Чесларнинг фото-кўрғазмалари ватандошларимиз томонидан мамнулик билан кутиб олинди.

Икки йилдирки, «Шарк» нашриёти матбаа корхонаси ва Хитой Халқ Республикаси билан Ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Корхонамиз қошида мини фото-тажрибахонаси ташкил этилгандан бери мижозлар хурсанд. Чунки у ерда тез ва сифатли сувратлар тайёрланади. Шунингдек, фотоклуб ҳам ташкил этилган бўлиб, ҳар ойда икки марта шахримизнинг фото усталари ўзаро маҳоратларини синаб кўришади. Энг яхши фото учун беллашув бўлади.

Келгусидаги режаларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Режалар кўп. Ҳар ойда бир марта ўтказилаётган фото-кўрғазмаларни ҳар ойда 2-3 мартаба ўтказиш мўлжалланаяпти. Тошкентда Анатолий Раҳимбаев ва Ўшкентдаги Беньков номи рассомлик билим юртининг ўқитувчи ва ўқувчиларидан бир қанчасининг фото-кўрғазмалари намойиш этилди.

Шу йилнинг июль ойида эса Исроилда В.Ковреиннинг фото-кўрғазмасини ўтказишга тайёргарлик қўрилаяпти. Чет эллик ҳамкасблар билан тез-тез тажриба алмашиб туриш мақсадида бу каби кўрғазмаларни ўтказиш туриш ниятимиз бор. Буниг учун элчионаларнинг мутасаддилари бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Суҳбатдош Насиба ҲОЖИМУРОД қизи.

Табиатан кўпда хайратланармайман, теварагимдаги воқеаларга. Баъзан ҳамма шов-шувлар қилиб қизиксанган гап-сўзларга «Ҳа, умми?» деб кўл силтаб қўя-қолган кезларим бўлади. Шунданми, хайрон қоларли ҳодисаларни анчагача унутмай юраман.

Яқинда муҳим бир юмуш билан танишимга кўнғироқ қилдим. Кибр-ҳаволи раҳбар аёлларга хос оҳангда гўшақни кўтариб: «Сал эслай олмай турибман, аҳамияти йўқ, хўш, эшитаман?» деди. Ранжамасди. Табиий, хотирлашмаслиги мумкин. Узимни яна таништирдим: «Фалончидан»... Хонман, денг? Бунақсини энди кўришим», деб буюшвор қилиб қўйди. Негадир бироз жим бўлдим. Кейин мақсадимни айтдим. Келишилган вақтда ўша корхонага бор-

— Чунки мен ўз қадримга ўзим етаман-да. Инсон ўзини ҳурматлама олмас, ўзгалар ҳеч қачон обрўйи, амали учун ҳурматламайди. Биласизми... — Хайратдан гапимни тугатолмай қийналдим.

Муносабат

ЎЗ ҚАДРИМНИ ҲАМ БИЛАМАН

дим. Тайинлаган одамга учрашсам, юмушимиз битгач «Кетишдан олдин бир «катта»га қараб кўрякансиз» деб қолди. Биламан, жуда эзюк аёл. «Кизиқ, нима гапир бор экан?» Кабулхонасида котибаси 3-4 нафар таниши билан шангиллаб гаплашаётганини кўриб ўзи йўқ шекилли деган ҳаёлга бордим. Еши бир жойга борган ходим кирди-ю «Борми?» дегандай қош қокди. Турганлар бепарвогина «борди» деб гапира давом эттирди. Яна бир аёл қабулхонага бош сукди:

— Келганими? — сўради мендан.

— Ким? дедим.

— Халиги, анув. Катта-да, ким буларди, бўларканми? — Кейин жаवобимни олмайёқ боситиб кириб кетди. Эшикка қарадим. Ҳақиқатан на исми-фамилияси баянган, на лавозими кўрсатилган. Теъдда халиги хотин қайтиб чиқди. Орқасидан «катта» «Менгасизми?» Хўш, нима гап? Дабдурустдан нима дейишимни билмай қолдим. Ахир директор билан ҳар қандай масалани қабулхонада гаплашиб бўладимки, Қарасам хонасига кирадиркин сиёҳи йўқ. Узимни яна қайтадан таништиришга мажбур бўлдим.

— Таваб, кечадан буюн эслаб... Одам ўз-ўзини хонлаб гапирса қизиқ бўларкан-а? Бунақсини... Атрофдагилар бамайлихотир (хатто котибаси ўрнидан турмади) гаплашарди.

— Хайратдан елка қоқди у.

Шунчаки келмадим, шундай кетгани йўқ, умр бир эртақдир бор эдим йўқ. Зулфия Мўминнинг кўксидан чўғ, Илоҳи, муҳаббат мени тарк этма.

Оллоҳнинг нурли кечаси, Енур, ўтланур нечаси, Араб, наси, гумон наси, Кўзларингни соғинганман.

Кўзинг дилимда не ёқди, Соғинч ёқди, ситам ёқди, Кўзимдан дарёлар оқди, Кўзларингни соғинганман.

Қаердасан илоҳий нур?! Е бахтли қил, ёки ўлди, Кўзларингни кўрсайдим бир, Кўзларингни соғинганман.

Қушман оловдан айланган Гулман ҳижронга қайналган, Жоним кўзингга жойланган, Кўзларингни соғинганман.

Йирокман, вале сандаман Сумандаман, тумандаман Зулфия Мўмин бандаман Кўзларингни соғинганман.

Зулфия МҶМИНОВА.

Бунда тонг саҳардан сўлув келинлар, Сўпурар йўлга-ю, йўлчаларини. Бунда кўп ёқимли кўлар чақалоқ, Бешиқдан узатиб кўлчаларини. Бунда йўлга чикса битта нуроний, Ун бешта азамат жой берав манун. Тўнлар атиргулдек очилар юрак. Бунда меҳр устун, муҳаббат устун. Бу Ҳадра, бу Урда қадимий кўшк, Шу ердан юракка очилар эшик. Бунда ҳар дарахтнинг таналарида, Битта аср ишар ва ўнта бешик.

Назм

ТОШКЕНТ

Зулфия Мўминова «Ватан ташлаб кетмайди». «Бешиқларни асрагин дунё». «Енаётган аёл» шеърли тўпламларининг муаллифи. Унинг шеърларида она ва болалик, аёл бахти, келажак, истиқлолнинг тўғилари, кўшкнинг маъна этилади. Зулфия Мўминова «Мавнаит ва маърифат» марказининг Сирғали тумани бўлими раҳбари сифатида жамоатчилик ишларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Суҳбатдош Дилбар АБДУҚОДИРОВА.

Очигини айтганда, журналистлар ўртасида илк бор теннис мусобақалари ўтказилишидан олдин ташкилотчилар ҳам, биз қалам соҳиблари ҳам бир оқ ҳадиксираганимиз. Зеро, қаламқашларнинг ўй-хаёли доимо янги фикрлар, гоёлар билан банд, ҳатто бўш вақтларининг кўп қисмини ҳам мақолалар ёзишга сарфлашади. Спорт билан, айниқса махсус тайёргарлик ва шарт-шароитларни талаб этадиган теннис билан шуғулланиш учун кўпда вақт ҳам топилавермайди. Бироқ республикамизнинг барча ҳудудларида кенг қулоч ёзаётган теннис журналистлар ҳаётидан ҳам лозим даражада ўрин эгаллаётганини «Бойчек» турнири очик-ойдин исботлади.



Республикамизнинг деярли барча етакчи нашрлари вакиллари бўлган 16 теннисчи олимпида усулда ўзаро куч синашга, улар орасидан энг кучлилари ярим финал беллашувларига етиб келишди. Шу йўл билан пойтахт журналистлари орасидаги энг кучли турткил ҳам аниқланди.

Дастлаб майдонга Айрат Ялалов («Ўзбекистон автомобилчиси») ва «Спорт» газетасининг сураткаш муҳбири Дмитрий Михайловлар тушибди. Ишқибозларнинг қарсақлари остида Ялалов ўзининг аниқ ва беҳато зарбалари билан ўйин тақдирини осонликча ўз фойдасига ҳал қилди — 6/0. Иккинчи ярим финал баҳсида эса маҳорат жиҳатидан бир-бирларига деярли тенг рақиблар ўзаро куч синашди. Журналистлар ўртасида энг шиддатли тўп узатиш маҳоратига Алексей Комилов ўзининг ушбу хусусиятидан унумли фойдаланган ҳолда Алимурод Мамадаминов устидан 6/3 ҳисобида ғалаба қозонди. Шундай қилиб финалга А. Ялалов ва А. Комиловлар чиқишди. Ғалаба қозониш учун Айратнинг темирдек мустаҳкам асабию, аниқ ва беҳато ўйини ҳал қилувчи роль ўйнайдими ёхуд Алексейнинг тезкорлиги, жуда кучли тўп оширишлари?

Дастлабки геймда Комилов ғалаба қозонгач, беллашув кескин ва мурасасиз тус оладиганга ўхшади. Бироқ бу журналистларнинг теннис буйича тан олинган сардор Ялалов турнирда бой берган дастлабки ва ягона геймдигана қолди. Айрат хотиржамлик билан аниқ зарбалар орқали беллашувни катта устунлик билан ўз фойдасига ҳал қилди — 6/1.

Учинчи ўрин учун курашда Мамадаминов Михайловни 6/2 ҳисобида энгди. Сўнг мусобақа голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Чемпион — «Ўзбекистон автомобилчиси» газетасининг масъул котиби Айрат Ялаловга мусобақа ташкилотчилари — Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ажратилган гилам ҳамда Тошкент шаҳар касабачи уюшмалари кенгаши томонидан республика санаторийларидан бирида дам олиш учун ажратилган йўланма топширилди. А. Комилов ва А. Мамадаминовлар ҳам қимматбахо совғалар билан тақдирланди. 63 ёшга қадам қўётганига қарамай майдонда ҳамон ёшларга хос шижоат ва тетиклик билан ҳаракат қилган Д. Ми-

хайловга «Хуррият» ва «Спорт» газеталари таъсис этган «Энг кекса ўйинчига» совринлари топширилди. «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Х. Дўстмухамедов эса «Энг чапдаст муҳаррирга» махсус совринининг соҳиб бўлди.

Мусобақа яқунлангач, биз унинг айрим иш-

рида теннис журналистлар ўртасида жуда оммалашган. Улар тез-тез турли мусобақаларда катнашиб туришади. Масалан, россиялик Владимир Серебрённый ўтган йили журналистлар ўртасида теннис буйича ўтказилган Европа чемпионатида 2-ўринни эгаллади. Мен эса уни 1991 йили Тошкентда энг-

лаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ташаббус билан чиқиб, шаҳримиздаги кортлардан бирини журналистларнинг машқ қилишлари учун ижарага олиш чорасини кўрса нур устига аъло нур бўларди.

● **Юрий ЧЕРНОГАЕВ, «Ташкентская правда» газетаси ходими:**

«Бойчек» турнири журналистлар учун жуда ажойиб бир совға бўлди. Чунки, бизларнинг бўш вақтларимиз жуда кам бўлади. Ҳатто кўпгина ҳамкасбларимиз билан ҳам асосан телефон орқали мулоқот қиламиз. «Соғ танда — соғлом ақл», деганларидек, журналистлар учун спортсиз ҳаёт кечириб жуда оғир — доимий руҳий зуриқишларда юриш албатта ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўзини жисмоний жиҳатдан соғлом, тетик ҳис қилган қалам соҳибининг мақолалари ҳам яхши чиқади. Менинг ҳам фикрим шундай: фондимиз қурби етса ўзи ёки ҳомиллар топган ҳолда журналистлар учун бирорта кортни ижарага олиб, спорт билан шуғулланишга шароит яратиб, жуда кўп-гилли иш бўлган бўлар эди.

● **Алимурод МАМАДАМИНОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг сураткаш муҳбири:**

«Бойчек» турнирида беллашган журналистлар спортга беғона эмас. Ушбу мавзуда қалам тебратиби туришади. Лекин, бизда кўпгина журналист ўзи ёзаётган соҳани сиртдан билади. Масалан, теннис беллашувдаги вазиятларни, кураш руҳини ҳаққоний сезиш, илғаш учун унинг ичида бўлиш керак, яъни қўлига ракетка олиб майдонга тўсагина қондаларни яхшилаб ўргангани, шу тўғрисида қўйиллатиб ёза олади.

Мен бундан уч йилча олдин ишдан бўш вақтларимда «Динамо» кортларидаги «Саломатлик» гуруҳида бир йил давомида теннисни ўрганганман. Ушбу мусобақа давомида анчадан бери қўлимга ракетка ушламаганлигим сезилиб қолди. Иложи бўлса, теннис билан шуғулланишни яна қайтадан тилша ниятдаман.

● **Ойбек ЮНУСОВ, «Спорт» газетаси муҳаррири ўринбосари:**

Турли-туман спорт мусобақалари тўғрисида доимо ёритиб борамиз, бироқ ўзимиз ҳам мана шундай ҳаваскорлар турнирларида қатнашсақ қаламимиз янада чарқланади. Журналистлар ўртасида футбол мусобақалари ўтказилиб келинади. Мана энди теннис орқали яна бир хайрли анъанага асос солинди. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деганларидек «Бойчек» мусобақасида қатнашиш орқали биринчидан тенниснинг қонун-қоидаларини янада яхшироқ ўзлаштирдик, иккинчидан унинг жозибасини юракдан ҳис қилдик. Мен бу мусобақанинг анъанавий бўлиб қолишини истардим. Теннис билан шуғулланиш, мусобақаларда иштирок этиш учун имкониятим, спорт анжомларим ҳам бор. Йил бўйи маҳоратимни ошириб, насиб этса келгуси мусобақаларда голиблар қаторидан ўрин олишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, мусобақа муваффақиятли ўтди ва журналистларни спорт сари етаклашда муҳим омили бўлди. Уйлаймизки, анъанавий тус оладиган «Бойчек» мусобақаси келажда оммавий-ахборот воситалари ходимларининг энг сеvimли турнирларидан бирига айланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: журналистлар ўртасида ўтказилган «Бойчек» мусобақасидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

«БОЙЧЕЧАК» МАФТУН ЭТДИ

тирокчилари билан суҳбатлашдик.

● **Комилжон ЖУМАЕВ, «Теннис +» газетасининг бош муҳаррири:**

— Теннис саломатликнинг асосий манбаи бўлгани учун оммавий мусобақалар қанчалик кўп ўтказилса, халқимиз учун шунчалик фойдаси катта бўлади. Оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фондининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан хайрли мақсадлар билан ўтказилган дастлабки мусобақа биз иштирокчиларда бир олам таассурот қолдирди. «Бойчек» мусобақасининг теннисни тарғиб қилишда ва журналистлар соғлигини мустаҳкамлашда нақадар улкан ўрин тутганини таърифлаб ўтиришга эса ҳожат бўлмас керак. Уйлайманки, ушбу ҳаракат қанот ёзиб, янада кўпроқ журналистларни саломатлик ва бардамлик манбаи бўлиши спорт сари етаклайди.


● **Айрат ЯЛАЛОВ, «Ўзбекистон автомобилчиси» газетасининг масъул котиби, мусобақа голиби:**

— Тенниснинг юртимизда профессионал доирадан кенг халқ оmmasига кириб бораётган бир пайтда журналистлар ўртасида бундай ажойиб мусобақа ўтказилганини фақат қўллаб-қувватлаш керак. Аввало, бунинг учун мусобақа ташкилотчилари — Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими ва пойтахт спорт қўмитасига барча қатнашчилар номидан катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бундай мусобақаларни янада кўпроқ ва иложи бўлса, вилоятларда ҳам ўтказиб туриш керак. Европа, Осиё мамлакатла-

рида демократик, шарт-шароитлар бўлса бизнинг теннисчиларимиз ҳам жуда кучли ўйнашади. Фақат, қалам соҳибларимиз маҳоратини янада такомиллаштириш,



ривожлантириш керак. Мусобақаларни тез-тез ўтказиб, унга иложи борича кўпроқ иштирокчиларни жалб этиш керак. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократ-



Ярим тундаги телефон кўнгируми милиция майори Зайниддин Мирзаевни уйғотиб юборди. Телефон гўшагини кўтарганидан, ундан Миробод тумани милиция бўлими навбатчисининг овози эшитилди: «Ўртоқ майор, Кўйлик-4» мавзесида қотиллик содир бўлди. Номасъул кишининг жасади буталар орасидан топилди...»

«Кўйлик-4» мавзесидаги уйлардан бири олдида эркак кишининг жасадини экспертлар текширишарди. Ички ишлар ходимлари гувоҳлардан суриштириш ишларини олиб боришди. Уларнинг гапларига қараганда соат 23ларда уч киши тортишиб қолган ва бир оздан кейин «Дамас»га ўтириб номаълум томонга кетишган. Кейинроқ улардан бири машинанинг давлат рақамларини маълум қилди.

Шундан кейин воқеа жойига ИИБ раҳбарияти ва прокуратура ходимлари етиб келишди. Бутун шаҳар бўйлаб қидирув ва жиноятчиларни ушлаш чоралари кўрилди.

Қотилликни содир этган жи-

диган гилдиракни сотишди. Жиноятчилар энди 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти томон йўл олишди. Ҳамза тумани ИИБ тезкор вакиллари — милиция капитани Хусан Умаров ва милиция лейтенанти Равшан

мони бўйлаб ҳаракатни давом эттирди. Тезкор вакиллар ҳам уларнинг кетидан қувлаб боришди. Тўхташ тўғрисида оғохлантиришди. Аммо машинадагилар бўйсунинишмади. Шундан кейин оғохлантириш мақсадида ҳавога

милиция лейтенанти Равшан Муҳамедовлар бўш келишмади. Шу тариқа икки хавфли жиноятчи ушланиб Ҳамза тумани ИИБга олиб келинди.

Жиноятчилар машинани олиб кетиб эҳтиёт қисмларга бўлиб пул ишлашмоқчи бўлишганди. Аммо ҳайдовчи уларга қаршилиқ қилади. Оқибатда ёвуз ниятли кимсаларнинг қурбонига айланди. Бироқ Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари кўрсатган саъй-ҳаракат туфайли қотиллар қўлга олинди. Энди қилмишлари учун жазоларини оладилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Қўйликдаги қотиллик

ноятчилар машинани олиб қочиб Шимолий вокзал томонга ўтишарди. У ердан бирорта машинадан бензин қўйиб олишмоқчи бўлишарди. Тунги соат 2 лардан ошган кўчада машиналар кам бўлишини улар назарда тутишмаганди. Ва ниҳоят бензин ҳам топилади. Пуллари бўлмагач, эҳтиёт чораси учун олиб юрила-

Мухамедовлар оқ «Дамас» тўғрисидаги маълумотни олишганди. Соат 3 ларга яқин хизмат вазифасини ўтаб юрган бу йилгиларга «Дамас» тиббиёт институти олдида тўкнаш келди. У жуда катта тезликда ҳаракат қиларди. Машина «Тошқиллоқ-маш» корхонаси олдида ўтиб метронинг «Чкалов» бекати то-

ўқ узилди. Бироқ бу ҳам жиноятчиларни тавба-тазарруга олиб келолмади. Тезкор вакиллардан бири тўпнотчадан машина баллонларига қараб кетма-кет бир неча бор ўқ узди. Бу пайтда жиноятчилар машинадан тушиб тезкор вакилларга қаршилиқ кўрсатишди. Капитан Хусан Умаров,

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Агар Сиз касбингизни ўзгартирмоқчи ёки янгиламоқчи бўлсангиз, Собир Раҳимов тумани Меҳнат биржаси Сизни куйидаги касблар бўйича доимий ишга жойлаштиради:

1. Электрпайвандловчи
2. Электргазпайвандловчи
3. Тикловчилар
4. Арматурачилар
5. Фишт терувчилар
6. Дурадгорлар
7. Бўёқчилар
8. Сувоқчилар
9. Барча турдаги ҳайдовчилар
10. Сантехниклар.

Манзилимиз: Собир Раҳимов тумани Меҳнат биржаси, Қорасарой кўчаси, 270-уй. Телефон: 48-43-50.

ХУРМАТЛИ ТУМАН ФУҚАРОЛАРИ!

Сизларни 30 апрель куни соат 8.30 дан 14.00 гача Чилонзор тумани меҳнат биржаси томонидан ташкил этилаётган «Бўш ишчи ўринлари, ўқиш жойлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасига таклиф қиламиз.

Ярмарка «Гагарин» кинотеатрида ўтказилади.

Автобуслар: 2, 34, 80, 94, 181, 182.

Тролейбуслар: 7, 11, 16

МУМ «Чилонзор» бекати.



ЧИЛОНЗОР ДАХАСИ, 30, 31-МАВЗЕЛАРИ, «ГУЛИСТОН» ВА «АЛГОРИТМ» ДАХАЛАРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Телефон ўрнатиш истагида бўлганларни 170-АТСга мурожаат қилишларини сўраймиз. Ҳақ тўлангандан кейин ўн кун мобайнида телефонлар уланади. Манзил: 30-мавзе, 87, 94-автобусларнинг сўнги бекати.

Маълумот учун телефон: 170-21-70.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш муносабати билан 1998 йилнинг 28 апрелидан 8 майгача М.Турғунбоева, Киев кўчалари, Киев кўчасининг 2 ва 3-ўйнаишлари, Т.Жалилов, Батуми, Барнаул, Ҳ.Асосов, Радиальная, А.Раҳмат, А.Матросов, Миртемир, Наҳшбандий, Кисловская, С.Абдулла, Ибн Сино кўчаларида истикомат қилувчи 48-АТС абонентларида алоқа бўлмади.

Очик турдаги Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунлари, туйлар, юбилейлар муносабати билан қўлловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. **МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-, 208-ХОНАЛАР.**

Педиатрия илмий текшириш институти жамоаси катта илмий ходим М. М. Ҳайдаровага онаси **Заккия САПАЕВанинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. **факс: (3712) 133-29-09.**

Душанба, горшанба ва ҳуна кунлари чиқади. Ҳафт кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.